



## REPRESENTATIVES OF THE LOCAL SCIENTIFIC SCHOOL FROM DIFFERENT REGIONS OF THE FERGANA VALLEY

*Odiljon Qoriev*

senior researcher, doctor of history

Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** region, school, Islam, jurisprudence, scholar, manuscript source, history, literature, sect. Sufism, Shaykhulislam, Ahsikent, middle ages.

**Received:** 22.12.24

**Accepted:** 24.12.24

**Published:** 26.12.24

**Abstract:** The scientific and cultural processes that took place in the Fergana Valley in the Middle Ages and the role of the activities and scientific heritage of scholars from various regions of the region in this field have not been sufficiently studied in historical science. In recent years, research conducted on the basis of oriental manuscript sources shows that a unique local scientific school was formed in the region and scientists who contributed to the development of world science for centuries emerged. This article is devoted to studying the activities and scientific heritage of scholars who actively participated in this process and left a rich scientific heritage in the regions of the Fergana Valley. It studies the specific features of each region and their contribution to the development of the local scientific school, and draws appropriate conclusions.

## ФАРГОНА ВОДИЙСИНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН МАҲАЛЛИЙ ИЛМИЙ МАКТАБ НАМОЯНДАЛАРИ

*Одилжон Кориев*

катта илмий ходим, тарих фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** минтақа, мактаб, ислом, фиқҳ, аллома, қўлёзма манба, тарих, адабиёт, мазҳаб.тасаввуф, шайхулислом, Ахсикент, ўрта асрлар.

**Аннотация:** Ўрта асрларда Фарғона водийсида кечган илмий маданий жараёнлар ва бу соҳада минтақанинг турли ҳудудларидан етишиб чиққан алломалар

фаолияти ва илмий меросининг ўрни тарих илмида етарли даражада яхши ўрганилмаган. Кейинги йилларда шарқ қўлёзма манбалари асосида олиб борилган тадқиқотлар минтақада ўзига хос маҳаллий илмий мактаб шаклланиб, асрлар давомида жаҳон илм фани ривожига ҳисса қўшиб келган олимлар етишиб чикканлигини кўрсатмоқда. Мазкур мақола бу жараёнда фаол иштирок этиб бой илмий мерос колдирган алломаларнинг фаолияти ва илмий мероси Фарғона водийси худудлари кесимида ўрганишга бағишланган. Унда ҳар бир худуднинг ўзига хос жиҳатлари ва маҳаллий илмий мактаб ривожига қўшган ҳиссалари ўрганилган ва тегишли хulosалар чиқарилган.

## ПРЕДСТАВИТЕЛИ МЕСТНЫХ НАУЧНЫХ ШКОЛ ИЗ РАЗНЫХ РЕГИОНОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

**Одилжон Кариев**

*Старший научный сотрудник, доктор исторических наук*

*Институт востоковедения Академии наук Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** регион, школа, ислам, юриспруденция, ученый, рукописный источник, история, литература, секта. Суфизм, шейх-уль-исlam, Ахсикент, Средние века.

**Аннотация:** Научно-культурные процессы, происходившие в Ферганской долине в средние века, роль в этой области деятельности и научного наследия ученых разных частей региона изучены в исторической науке недостаточно. В последние годы исследования, основанные на восточных рукописных источниках, показали, что в регионе сформировалась уникальная местная научная школа, подготовившая ученых, которые на протяжении столетий вносили вклад в развитие мировой науки. Статья посвящена изучению деятельности и научного наследия ученых, активно участвовавших в этом процессе и оставивших богатое научное наследие в регионе Ферганской долины. Изучены уникальные особенности каждого региона и его вклад в развитие местных научных школ, сделаны соответствующие выводы.

Ўрта асрларда ислом дини ғарб ва шарқда илму фан тараққиётига жиддий туртки берди. Бу жараёнда Фарғона фиқҳ мактаби вакилларининг ҳам иштирок ва ҳиссалари бор. Ислом илмларининг турли соҳаларида ижод қилган алломалар шулар жумласидандир.

Илк ўрта асрларда ислом илмларидан фиқҳ илми соҳасида фаолият олиб борган алломалар Фарғона водийсининг кўпроқ Ахсикат, Косон, Марғилон, Ўзганд, Ўш шаҳарларидан етишиб чиққанлиги маълум бўлди. Чунки бугунги кунда бизгача етиб келган алломаларнинг номлари ва илмий мерослари ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти шу соҳа вакилларига тегишли.

Фарғона водийсидан етишиб чиққан ислом илмлари намояндадарини улар туғилиб ўсган ва номини ўзларига нисба қилиб олган шаҳарлар кесимидағи таҳлил водийнинг ўша даврдаги йирик шаҳарларида илм-фан тараққиёти даражасини илғаб олишга ёрдам беради.

Фарғонанинг пойтахт шаҳарларидан бири Ахсикент (Ахсикат) бўлган. Абдулкарим ас-Самъонийнинг таърифича, Фарғонанинг энг гўзал ва озода шаҳарларидан бири бўлган. Ёқут ал-Хамавий унинг Сирдарёдан бир фарсаҳ масофада тоғлар орасидаги текисликда жойлашгани ҳақида хабар берган. Унинг таъкидлашича, шаҳар қўрғони ва работи девор билан ўралган ва тўртта дарвозаси бўлган. Шаҳар атрофида боғлар, работ ичида эса кўплаб ҳовузлар бўлган ва анҳорлар ўтган. Катта жоме масжиди, бозор, қалья ва бошқа бинолар Ахсикентнинг ички шаҳар қисмини ташкил қилган. Бу ерда олиб борилган археологик қазишмалар натижалари Ахсикент шаҳри бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги ва у Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихида маданий юксалишда алоҳида ўрин тутганлигини кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Ахсикент милоддан аввалги III асрда бунёд этилган ва араблар истилоси арафасидан то IX асрнинг ўрталаригача у водийнинг номи билан “Фарғона” деб аталган. Ахсикент марказлашган Сомонийлар давлати даврида ҳам Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маркази сифатида гуллаб-яшнаган. Бундай хulosани айни шу даврда Ахсикентда зарб қилинган ва Ўрта Осиёning кўпчилик вилоятларидан топилган мис тангалар ҳам тасдиқлайди. Демак, Ахсикентда зарб қилинган танга пуллар Сомонийлар давлати иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган. Кейинчалик Қорахонийлар давлати даврида сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзгандга кўчирилган бўлса-да, Ахсикент XI-XII асрларда ҳам бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверган. Бу ерга Ўрта Ер денгизи мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз карвонлар келиб турган. Эски Ахси харобаларидан топилган моддий ва маданият ашёлари сирасида, айниқса, сирланган сопол идишлар дикқатга сазовордир. Уларнинг баъзиларида куфий ёзувидағи битикларни

борлиги Ахсикентда сопол идишларни сирлаш ва безаш борасида ўзига хос мактаб бўлганлигидан далолат беради.

Мана шундай қулай илмий, маданий маърифий муҳит шаклланган Ахсикентдан бир қатор олимлар етишиб чиққан.

Жумладан, Иброҳим ибн Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамд ибн Абу-л-Фадл ибн Абдуллоҳ ал-Ахсикатий ислом илмлари намояндаси ҳисобланади ва фикҳ, ҳадис, адаб йўналишларида ижод қилган. Ахсикентда ўсиб улғайган ва кейинчалик Самарқандда яшаган. Манбаларда аллома юз йилга яқин умр кўрганлиги айтилса-да, туғилган ва вафот санаси ҳақида маълумот келтирилмаган. Тарих ва адабиёт илмлари билимдони сифатида ном қозонган Абу-л-Вафа Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий (ваф. 519/1126) манбаларда атоқли шоир, тарихчи ва араб тилини мукаммал билган олим деб таърифланади. Абдулкарим ас-Самъонийнинг ўзи у билан бир неча маротаба учрашганлигини, бироқ маърузаларини тинглаш имкони бўлмаганини ёзган. Ҳожи Халифа олимнинг “Китаб ат-тарих” (Тарих китоби) номли асари бўлганлигини зикр қилган. Ахсикентдан чиққан Зу-л-фазоил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий (465/1073-528/1134) (адаб, назм ва насрда ном қолдирган, тарихнавис ва котиб, Абу-л-Вафа Муҳаммад ал-Ахсикатийнинг укаси. “Китаб фи-т-тарих” (Тарих соҳасига оид китоб), “Китаб фи қавлиҳим” (Уларнинг сўзлари ҳақидаги китоб), “аз-Завоид фи шарҳ сақат аз-занд л-ил-Маърий” номли асарлар ёзган), Асируддин ал-Ахсикатий (501/1108-593/1198) (риёзиёт, кимё, тибб, астрономия, илми нужум, фалсафа ва грамматика соҳаларида мукаммал билимга эга бўлган. Бизгача фақат саккиз минг байтга яқин ҳажмдаги девони етиб келган. Девоннинг 743/1343 йилда Абдулмумин Улвий исмли хаттот томонидан кўчирилган ягона нусхаси ҳозирда Буюк Британиянинг “Индиан Офис” кутубхонасида сақланади. Бу девон Эронда тадқиқ қилиниб, 1958 йилда Техронда нашр қилинган), Ал-Ҳусайн ибн Абу Баъли Абу Али ал-Ахсикатий ал-Фарғоний (ваф. XI) (фақиҳ, муҳаддис олим), Абу Рашод Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Ахсикатий (459/1067-534/1140) (фақиҳ, тилшунос, адаб ва тарихчи олим) каби Ахсикент илмий муҳити вакилларининг фаолияти ва илмий мероси ислом илмлари ривожида ўз ўрнига эга бўлганлигидан далолат беради.

Водийнинг қадимий шаҳарлардан яна бири Косон. Бу шаҳар исломдан анча илгари барпо этилган. Дастлаб Давон подшоҳлигининг, сўнгра Фарғона ҳукмдорлари-ихшидлари пойтахти бўлган. Ёқут ал-Ҳамавий шаҳар ҳақидаги маълумотларида у турклар эгаллаб турган худудларга чегарадош ерда жойлашганлигини ва шаҳар дарвозаси олдидан Ахсикас ёки Косонсой дарёси оқиб ўтишини айтади, Ёқубий уни Фарғонанинг энг йирик

шахарларидан бири бўлганлиги ҳақида ёзади. Шаҳар ҳозирги Наманган вилоятининг Косонсой шахри яқинидаги Муғқўргон қалъаси ўрнида жойлашган.

Тарихий манбалар Косон ҳам ўрта асрларда ўз илмий анъаналарига эга марказлардан бўлганлигидан далолат беради. Ҳозиргача аниқланган бу ердан етишиб чиқсан алломалар сони водийнинг бошқа шахарларига нисбатан камроқ. Бироқ улар қаторида ўзининг юксак иқтидори билан фикҳ илми тарихида ўчмас из қолдирган Алоуддин ал-Косоний каби зот бор. Бу ерлик номлари аниқланган ўрта аср олимлари орасида ҳадис илмida танилганлари борлиги Косон илмий муҳитининг кўламидан дарак беради.

Абу Бақр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин ал-Косоний (ваф. 586/1191) – фақиҳ «Бада‘и ас-сана‘и фи тартиб аш-шара‘и» (Шариат тартибида ажойиб санъатлар) номли асар ёзган. (Рум подшосининг элчиси сифатида Ҳалабга Нуриддин Маҳмуд хузурига юборилган. Шу подшоҳнинг хукмдорлик замонида Димашқда ҳанафийлик мазхаби имоми мансабида турган), Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Бурҳонуддин ал-Косоний (ваф. XII аср) – фақиҳ. Фикҳ илмининг усул (ислом ҳуқуқи асослари) ва фуруъ (амалий ислом ҳуқуқи) бўлиmlарида мукаммал илмга эга бўлган, Муҳаммад ибн Яъкуб ибн Аби Толиб ал-Косоний (480/1088-555/1160) – Косонда туғилган ва Бухорода ўсиб улғайган, ҳофизи Қуръон, ал-Амолийни бир гуруҳ олимлардан олиб битган

Косонийлар нисбаси билан ижод қилган алломалар илмий меросини тадқиқ қилиш ҳам, минтақа илм аҳлларининг илмий меросини мукаммал ўрганиш соҳа мутахассислари олдида турган вазифалардандир.

Марғilon Фарғона водийсининг қадими шахарларидан бўлиб кўп асрлик тарихга эга. Уни Абдулкарим ас-Самъоний Фарғонанинг энг машҳур шахарларидан деб атайди. Ёқут ал-Ҳамавий эса Марғilon ҳақида фақат юқоридаги маълумотларни тақрорлаш билан кифояланган. Муқаддасий унчалик катта бўлмаган Марғilon шахрида жоме масжиди бозор ўртасида жойлашганлиги ва шаҳар дарвозаси яқинидан дарё оқиб ўтишини хабар қилади. Марғilon ўрта асрлар ислом илмлари маркази сифатида танилган. Бу ердан етишиб чиқсан фақиҳлар, муҳаддислар, муфассирларнинг илмий салоҳияти нафақат минтақа ва Мовароуннаҳр миқёсида, балки бутун ислом оламида эътироф этилган.

Марғиноний нисбаси билан ижод қилган олимлар Ҳабиб ибн Умар ал-Фарғоний (фақиҳ, фикҳ илмига бағишлиланган мўъжаз асар муаллифи), Муҳаммад ибн Бурҳонуддин Али ибн Абу Бақр ибн Абдулжалил Абу-л-Фатҳ Жалолуддин ал-Фарғоний ал-Марғиноний (фақиҳ, “Ҳидоя”нинг муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг), Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Марғиноний (ваф. 726/1326 – фақиҳ, “Шарҳ жоме ал-кабир” (Катта тўплам шарҳи) ва “Назм ал-жомиъ ас-сағир” (Кичик тўпламнинг

шеърий матни) каби асарлар мувллифи), Абу-л-Ҳасан Наср ибн ал-Ҳасан ал-Марғиноний (машҳур имом, муҳаддис), Абдулжалил ибн Абдуллоҳ ибн Али ибн Соийн ал-Марғиноний (580/1185-631/1234 йилда ҳаёт бўлган фақих, Самарқандда фатво чиқариш ва дарс бериш билан машғул бўлган), Муҳаммад ибн Абу Бақр ибн Йусуф Имом Рукнуддин ал-Фарғоний (ваф. 594/1198- фақих, ал-Адиб ал-Муҳтор номи билан танилган. Бир умр Марғilonда яшаб ўша ерда вафот этган), Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Амирак ал-Марғиноний (ўз замонасида ҳанафий мазҳаби машоихларидан бўлган), Абу Бақр ибн Хотим ар-Рищдоний (XII аср - Бурхонуддин ал-Марғиноний уни Рищдонда қолган устозлари қаторида зикр қилган) Абу Бақр ибн Зиёд ал-Марғиноний (узоқ муддат Марғilonда имом хатиблик қилган. Бурхонуддин ал-Марғиноний уни “Китаб ал-машайих” (Машойихлар ҳақидаги китоб) асарида зикр қилган),

Марғilonлик алломаларнинг фикҳ илми соҳасидаги фаолияти тадкики Фарғона фикҳ мактабининг бошқа худудлардан фарқлантириб турган жиҳатларини очиб беришга хизмат қиласи. Тадқиқотлар ҳозирги Фарғона вилояти худудидан етишиб чиқкан ва фарғоний нисбаси билан танилган олимлар ҳам бўлганини кўрсатди. Албатта, аксар ҳолларда водийнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида туғилиб вояга етган ҳамда илмнинг турли жабҳаларида юксак мавқеларга эришган кўплаб алломалар ўз исмларига Фарғоний нисбасини қўшиб айтишган. Шунга қарамай, биз бу ерда манбаларда фақат Фарғоний нисбаси билан келган алломалар ҳақида сўз юритамиз. Раҳма ибн Роҳиб ал-Фарғоний (фарғоналик муҳаддис олим. Унинг исми ҳадис хабар берган муҳаддислар занжирида зикр қилинади), Билол ибн Масъуд ал-Фарғоний (“ал-Қанд” асарида ҳадис ровийлари занжири таркибида зикр қилинган муҳаддис олим. У муҳаддис Абдуллоҳ ас-Сижзийнинг шогирди бўлган), Абу-л-Аббос Холид ибн Муҳаммад ал-Фарғоний (муҳаддис Исҳоқ ибн Иброҳимнинг шогирди), ал-имом Умар ибн ал-Хусайн ибн ал-Ҳасан ан-Нуққадий ал-Фарғоний (ваф. 521/1128 муҳаддис олим ), Абу-л-Музаффар ал-Муштаб ибн Муҳаммад ибн Усома ибн Зайд ибн ан-Нуъмон ибн Муҳаммад ибн Суфён ал-Фарғоний (414/1024-485/1093 – фақих, хилоф ва жадал илмларида пешқадам олим), Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳамавайҳ ибн Ҳадид ибн Ҳарун ибн Идрис ибн Абдуллоҳ ал-Фарғоний (муҳаддис), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фарғоний ас-Суфий (Бағдодда Жунайд Бағдодий билан ҳамсуҳбат бўлганлиги билан машҳур. Унинг сўзларини кейинчалик ривоят қилиб юрган. Ундан Абу Аббос Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Ҳашшаб ҳикоят қилган), Абу Солиҳ Абдулазиз ибн Аббод ал-Фарғоний (ваф. 269/883 – муҳаддис, Язид ибн Ҳарун, Яъқуб ибн Муҳаммад ибн Иса аз-Зухрийлардан ҳадис ривоят қилган. Ўз навбатида ундан ҳам Муҳаммад ибн Мухлид ад-Даврий, Али ибн Исҳоқ ал-Мадраий

ҳадис ривоят қилган), Абу Саъид Мусъада ибн Бакр ибн Сосон ал-Фарғоний (ваф. 341/953 - муҳаддис. Бағдодда ал-Ҳасан ибн Суфён ан-Насавийдан ҳадис олган. Унинг ўзидан эса Абу ал-Ҳасан ад-Доруқутний, Йусуф ибн Умар ал-Қаввос ҳадис ривоят қилганлар), Абу-л-Аббос Ҳожиб ибн Молик ал-Фарғоний ад-Дарир ад-Димашқий (ваф. 296/909 - муҳаддис, ҳофизи Қуръон. Димашқда яшаган. Бадр ал-Ҳимамий даврида Исфаҳонга борган ва Димашққа қайтгач вафот этган), Ал-Хатиб Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Довуд ибн Аҳмад ибн Ризвон ал-Ийлақий (ваф. 535/1144.- факих, Фарғонанинг Ийлақ деб номланган қишлоғидан, манбаларда бу олим шоғеъий факихларидан деб зикр қилинади), Иброҳим ибн Али ибн ал-Ҳусайн Абу Исҳоқ ал-Қубой ас-Суфий (394/1004-474/1082 – тасаввуф шайхларидан. Илм истагида Хурросон, Ироқ, Ҳижозга сафар қилган. Умрининг сўнгти кирқ йилини Сур шаҳрида ўтказган ва ўша ерда вафот этган), Абу Али ал-Ҳусайн ибн Али ибн Абул Қосим ал-Ломиший ал-Фарғоний (440/1049-522/1128 – факих, хилоф илмининг билимдони бўлган. Фарғонанинг Ломиш қишлоғида туғилиб, Самарқандда вафот этган. Абу Мұхаммад Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Ҳофиз ал-Қассордан ҳадис тинглаган), Абу-л-Макорим Ризқуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Абу-л-Ҳасан ибн Умар ал-Қубой (XII аср - Фарғонанинг Кубо ноҳиясидан чиққан адаб, Абу Саъд ас-Самъоний у билан ҳамзамон ва ҳамсуҳбат бўлган). Фарғоний нисбаси билан машҳур бўлган алломаларнинг аксарияти ҳадис илми билан машғул бўлганлиги эътиборга молик. Демак, Фарғона илмий анъаналарини тадқиқ этишда бу ҳолга алоҳида дикқатни қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки шу тариқа Фарғона илмий муҳитида ҳадисшуносликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкони туғилса ажаб эмас. Қолаверса, Фарғонага ҳадис эшлиши учун бошқа ҳудудлардан ҳам муҳаддислар келиб турганлиги бу борадаги эҳтимол асоссиз эмаслигидан далолат беради.

Археологик маълумотлар водийнинг бошқа бир маданият маркази – Ўзганд шаҳри эрамиздан аввалги I асрда мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Абдулкарим ас-Самъоний ва Ёқут ал-Ҳамавий Ўзганд Фарғонанинг энг чекка ҳудуди турклар билан чегарадош ерларга жойлашгани, девор билан ўралгани ва унинг бир нечта дарвозаси бўлганини хабар қилган. Муқаддасий эса, бунга аниқлик киритиб, шаҳар работ, девор билан ўралганлиги ва унинг тўртта дарвозаси бўлганлигини ёзади. Шунингдек, работ дарвозаларидан бирининг олдидан анҳор оқиб ўтиши, ички шаҳар ҳудудида жоме масжиди, бозор ва қалъа жойлашганлиги ҳақида маълумотлар беради. “Ҳудуд ал-олам” (Оlam чегаралари) асарида шаҳар атрофидан иккита дарё оқиб ўтганлиги, уларнинг Тибет томондан оқиб келадиган бирининг номи Йабағу эканлиги хабар қилинади. Қарлуқлар томонидан оқиб келган иккинчиси эса Барсхон деб аталган. Шаҳарнинг савдо-иқтисодий марказ сифатидаги

аҳамияти ниҳоятда катта бўлганлигидан Қорадарё ўрта асрларда баъзан Ўзганд дарё деб ҳам аталган.

Ўрта асрлардаги Ўзганд шахри бугунги кунда Қорасув темир йўл станциясидан 40 км масофада, ҳозирги Ўш вилоятидаги туман маркази – Ўзганд шахри яқинида жойлашган эски шаҳар қолдиқлари ўрнига тўғри келади. Тарихий манбалар ҳамда бу ердан етишиб чиққан алломалар илмий мероси тадқиқи Ўзганд шахри водий илмий ҳаётида юқори ўрин тутганлигидан ишора қиласди. Ҳанафий фикҳида учинчи даражадаги мужтаҳид мақомига эришган аллома Фахруддин Қозихон ал-Ўзгандийнинг аждодлари ва бошқа қатор оила аъзолари Фарғона фикҳ мактабининг шаклланиши ва тараққиётида етакчи ўринларда турганлари ҳам бежиз эмас.

Бу шаҳардан етишиб чиққан фикҳ илми вакиллари орасида Али ибн Сулаймон ибн Довуд ал-Хотибий Абу-л-Ҳасан ал-Ўзгандий (факиҳ, муҳаддис ва муфассир), Шамс ал-Аимма Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Ўзгандий (таниқли аллома, факиҳ Фахруддин Қозихоннинг бобоси), Шамсулислом Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Ўзгандий (муҳаддис олим, ҳадис ровийлари занжири таркибида зикр қилинган, шамс ал-Ислом шарафли номига эгалиги илмдаги юксак даражасига ишора қиласди), Абу Муҳаммад Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Исҳоқ ибн Аҳмад ал-Ўзгандий (ваф. 513/1120 – муҳаддис, адаби), Аҳмад ибн Саъдуддин Ўзгандий Наманганий (Х аср – тарихнавис олим. Олимнинг исми шарифига ҳам Ўзгандий, ҳам Наманганий нисбалари қўшилиши муайян муддат Намангандага ҳам истиқомат қилганлигига ишора деб қабул қилиш жоиз) каби олимларнинг номлари бор.

Ўзгандий нисбасига эга бўлган алломалар ислом илмлари билан бир қаторда тарих, адабиёт ва бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятли ижод қилганликлари билан ажralиб турдилар.

“Китаб ал-ансоб” асарида Абдулкарим ас-Самъоний ўзидан олдин ўтган тарихчиларнинг сўзларига асосланиб, қадимда Ўш ҳам Фарғона водийсининг йирик шаҳарларидан ҳисобланганлигини ёзади. Шаҳарнинг тўрт дарвозаси бўлиб, тоғ остида жойлашган арк эса қоровуллик қилиш жойи вазифасини бажарган. Муқаддасийнинг ёзишича, тоғ яқинида жойлашган бозор ўртасида жоме масжиди бўлган. У ердаги работ турли томонлардан дин ҳимоячилари келиб тўпланадиган жой вазифасини бажарган. “Худуд ал-олам” асарида Ўш халқи жанговар халқ бўлгани ҳақида хабар берилади. Унда обод минтақалардан бири бўлган Ўшнинг неъматлари фаровон эканлиги, Бароҳқуҳ устида турган жангжўй посбон ва қоровуллар шаҳарни ҳимоя қилиши айтилади.

Эронлик олим Деххудо “Луғатнома” асарида баъзи олимларнинг Ўш ҳақидаги фикрларини келтиради. Масалан, Убахий томонидан ёзилган “Луғатнома” асарида Ўш Мовароуннахрдаги энг қадимий шаҳарлардан эканлиги ва охирги минг йил ичидаги иштирекаларни марказлардан бирига айланганлиги айтилади.

Ўш шаҳридан йирик муҳаддис олимлар ва тасаввуп намояндадарни анишадиган. “Худуд ал-олам” муаллифи ҳам Ўш шаҳри кўпгина ҳадис олимларининг ватани бўлгани, уларнинг аксарияти Ўший деб аталган нисба билан донг тараттганликларни зикр қиласди. Жумладан, Маъсүд ибн Мансур ибн Мурсал ал-Ўший (ваф. 518/1125 – машҳур фақих. Ўшда туғилиб вояга етган ва кейинчалик Самарқандда яшаган. Работ Ҳамза мадрасасида мударрислик қиласди. Аллома илмий меросига оид маълумотлар йўқ. Умар ибн Аҳмад ан-Насафийнинг хабар беришича, олимнинг ўзи, аҳли оиласи ва фарзанди – барчалари 518/1125 йил зу-л-хижжа ойининг ўрталарида бир кунда вафот этишган), Мухаммад ибн Аҳмад ибн Холид Абу Абдуллоҳ ал-Ўший (ваф. 612/1216 – фақих. “ал-Манасик” (Маросимлар) номли асар муаллифи), Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳасан ал-Ҳофиз Имрон ибн Мусо ал-Ўший, Мухаммад ибн Сулаймон Абу Абдуллоҳ ал-Ўший (фақих, шайхулислом, насируддин шарафли номларига эга).

Мақолада номлари зикр зотлар Фарғона водийсининг турли ҳудудларидан етишиб чиқсан олимларнинг бир қисми холос. Биз бу ўринда ёзма манбаларда маълумотлар келтирилган шахсларнигина зикр қиласди. Аслида ҳали ўрганилмаган қўлёзма манбаларда тадқиқотчисини кутиб турган маълумотлар анча. Водий ҳудудидан топилган қабertoшлардаги ёзувлар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Демак, Фарғона фикҳ мактаби тарихини тадқиқ этиш давом этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуллаев И. Марказий Осиёда ислом маданияти. – Б. 118.
2. Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ас-Самъоний. Китаб ал-Ансаб. 5 жилд. – Ҳайдаробод, 1963 (араб тилида).
3. Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона. – Т., 2001. – Б. 15.
4. Бобоҷонов А. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-Булдон” асарида Фарғона ва фарғоналиқ олимлар. – Б. 166.
5. Бинт ал-Муфти Муҳиб ар-Раҳмон ад-Дайравий. Ал-Ҳоди ила Риёд ал-Фиқҳ ва-л-Фуқаҳо. Тимрқара. – Покистон. 2014. – Б. 252.

6. Комилов М.М. «Мовароуннахр фиқҳ илми ривожида Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ул-фуқаҳо» асарининг аҳамияти». Т. ф. н. ил. дараж. олиш учун тақдим этилган дисс. автореф-ти. – Т., 2000. – Б. 14.
7. Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. – Техрон, 1999. (араб тилида).– Б. 62.
8. Ёқут ал-Хамавий. Муъжам ал-булдон. 8 жилд. – Қохира, 1906 (араб тилида).
9. Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum/ Ed.M.J de Goeje, Lugduni Batavorum apud E.J.Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. I. – P.348.
10. Shamsaddin Abu Abdulah Muhammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descripto imperii Moslemici / Ed. M.J.de Goeje, Lugduni Batavorum apud E.J.Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum.III.498 p
11. Haji Khalifa. Lexicon bibliograpicum et enciclopedicum a Mustafa bin Abdallah Katib Jalabi, instruxit Gustavus Fluegel. – London:1858. V.II. – P. 160.
12. Hermann Ethe. Catalogue of pershian manuscripts in the Library of Indian Offise. Oxford. Printed for the India Office by Horace Hart, printer to the University. Vol.I. – 1903. Inv, 1029. – P. 611.
13. Charles Rieu. Catalogue of pershian manuscripts in the British Museum. Printed by order of the Trustees. Lidgate Hill. Vol.II. – 1881. Inv. or. 268. – Pp. 563-564.
- ابو الحسنات محمد عبد الحي اللكنوی. الفوائد البهیة فی تراجم الحنفیة. -قازان- ۱۹۰۳- ص ۶۸ . 14.
15. Hudud al-Alam. (The gions of the world) a persian geography / Translated and explained by V. Minorsky, second edition. – London, 1970. – P. 482.
16. Ҳасаний М. Ўш осмонининг ёрқин юлдузи Кутбиддин Бахтиёр Ўший ва “Хайр ул-билод Ўш” рисоласи. – Ўш: Университет, 2000.